

DOI: <http://www.doi.org/10.36719/2663-4619/66/27-29>

**Абдурахмон Мадаминов**  
Қорақалпоқ давлат университети  
филология фанлари номзоди, доценти

## ЎЗБЕК АДАБИЙ ТИЛИДА ОТЛИ МУРАККАБ СЎЗ БИРИКМАЛАР ДЕРИВАЦИЯСИ

**Калимсўзлар:** ҳоким, тобе сўз, деривация, контоминация, конверция, отли мураккаб сўз бирикмалари, мураккаблашиш усуллари, дескриптив, атрибутив

### Derivation of complex words in the uzbek literary language Summary

The article deals with the processes that complicate the simple phrase on the basis of word-formation laws. Cases of the formation of components of complex phrases are shown by formation methods. There are presentation about the formation of complex word combinations by methods of contamination and conversion in the Uzbek literary language. Of these, nominal complex phrases are more often used; adjectives, numbers, pronouns and modal words are less common. The given examples are substantiated scientifically and theoretically.

**Key words:** main, dependent word, derivation, contamination, conversion, nominal complex phrases, methods of complication, descriptive, attributive

Сўз бирикмалари ҳоким компонентининг қандай сўз туркуми билан ифодаланишига кўра от ва феълли мураккаб сўз бирикмаларга ажратилади. Отли мураккаб сўз бирикмалари кенг маънода бўлиб, бирикмаларнинг ҳоким бўлаги от сўз туркимидан ташқари сифат, сон, олмош, равиш ва модал сўзлар билан ҳам ифодаланиб келади. Маълумки, ўзбек тилшунослигида содда сўз бирикмаларининг синтактик қонуниятлари кенг ўрганилган аммо мураккаб СБларининг тузулиши эътибордан четда қолиб келмоқда. Отли (кенг маънода) исм МСБларининг ҳар иккала компоненти ёйилиб занжир ҳосилқилиши ҳам мумкин. Чунки улар сўз кенгайтирувчилари сифатида ҳоким бўлак вазифасидаги от ёки от вазифасидаги бошқа сўзларни аниқлашга қаратилади. Масалан: “Тез ёрдам”га қойил бўлиш керакки, ўн минут ўтар-ўтмас каттагина ёғоч қути кўтарган аёл ҳамшираси билан Аброрникига етиб келди (“Олмос камар” 34 б.) Келтирилган жумлада *катта ёғоч қути, аёл ҳамшира* СБлари *қути кўтарган* сифатдошли бирикма ёрдамида контаминация (лот. contaminatio- туташтириш, аралаштириш) усули билан отли мураккаб сўз бирикмасини ҳосил қилган. Тилшунослиқда синтактик бирликларнинг ясалиши синтактик деривация усули ҳисобланиб, дастлаб *рус тилшунослигида Л.Н.Мурзин ва Е.Куриловичлар томонидан* ўрганилди. (5.,6.) Ўзбек тилшунослигида содда ва қўшма гаплар деривацияси профессор Н.К.Турниязов ва унинг шогирдларидан Г.Янгибаев, Ш.Н.Турниязовлар томонидан, сўз бирикмалари Мустаф Четин томонидан ҳимоя қилинди ва А.Мадаминовнинг монографиясида ҳамда Ш.Мадаминовнинг илмий мақолаларида ўрганилди. (7.8.10.11.) Нутқда отли МСБлари таркибидаги ҳоким ва тобе қисмлар фикрни янада ойдинлаштириш, тўлдириш мақсадида кенгайиб келиши мумкин. Асосан, нутқда отли мураккаб сўз бирикмалари куйидаги ҳолларда мураккаблашиб келадилар:

1. Содда СБлари тобе қисмининг кенгайиши натижасида: Эҳтимол, бундай туйғуни у мурғак чоғи беланчақда яйраб ётганича она алласига *гарқ бўлган онлари* ҳам кечирмагандир (Ҳ.Назир). Бу йил эрта *бахорги бугдой* ҳар йилгидан мўл бўлди. Келтирилган мисолларимизда: *гарқ бўлган онлар, баҳорги бугдой* СБларининг тобе қисми *она алласига гарқ бўлган, эрта баҳорги* каби тобе қисмларнинг кенгайиши ёрдамида мураккаблашиб келган.

2. Содда СБларининг ҳоким бўлаги аниқловчи вазифасидаги сўзларни олибкенгайиши натижасида. Бундай ҳолларда синтактик деривациянинг контаминация усули юз беради: Солдат бодом қовоқлари остида чакнаб турган қоп-қора кўзларини жаланглашиб ҳар томонга қаради (Ойбек). Оғирлиги етмиш кило келадиган битта семиз араби кўчқор элитдим (“Қаҳқаҳа” 27б). Келтирилган мисолларда ҳоким бўлак вазифасидаги сўзлар *қоп-қора кўзлар, араби кўчқор кабилар* билан мураккаблашиб, ўзидан олдингисўзлар ҳисобига янада кенгайиб, мураккаб сўз бирикмаларини ҳосил қилмоқда. Демак, СБнинг бу тарзда контаминация усули билан ясалишини куйидагича кўрсатиш мумки: *бодом қовоқлари остида чакнаб турадиган қоп-қора кўзлар, оғирлиги етмиш кило келадиган битта семиз араби кўчқор* каби.

Демак, юқорида келтирилган мисолларимиздан кўринадикки, мураккаб СБлари деривацияси содда сўз бирикмаларининг кенгайиши ҳисобига юз берадиган синтактик жараён саналади. Бу албатта, сўзловчининг бирор шахс, нарсаси, воқеа-ҳодисаларни аниқроқ ифодалаш ва мазкур ёйиқ бирикмани ҳосил

қилган сўзларнинг лексик-семантик ҳамда грамматик хусусиятларини очиб бериши билан боғлиқ бўлади. Асосан, бу жараён уларнинг ҳоким бўлаги вазифасида келган мустақил сўз туркумига ҳам тааллуқлидир. Чунки ҳоким бўлак вазифасида от ёки отлашган сўз туркумлари келса, улар бирор тушунчани тўла ваҳар томонлама ифодалаш мақсадида аниқловчи вазифасидаги мустақил сўзларни олиб кенгайди. Агар феъл туркумига оид сўзлар келса, улар тўлдирувчи ва ҳол вазифасидаги сўзлар ёрдамида ёйилиши мумкин. Аммо барча ҳоким бўлак вазифасидаги сўзларнинг кенгайиш имконияти бир хил даражада эмас.

От ва феъл туркумидаги сўзларнинг кенгайиш имкониятига қараганда сифат ва равишларнинг кенгайиш имкониятлари анча чегараланган. Сон, олмошларнинг айрим турлари эса содда сўз бирикмасининг ҳоким сўзи вазифасида келганда ҳам, тобе бўлак вазифасида келганда ҳам умуман аниқловчилар олиб кенгаймайди.

Демак, отли МСБларининг контаминация усул билан ясалиши кўпинча от ёки феъл, қисман эса сифат, сон, тақлид сўз ва олмош каби сўз туркумларининг ҳоким бўлак вазифасида келган ҳолатларида содир бўлади. Бу жараён ҳоким бўлаги сифат билан ифодаланган отли МСБларида қуйидагича рўй беради. Аммо сифат сўз туркумининг ҳоким сўз вазифасида келиб МСБларни ҳосил қилиш хусусияти анча чегараланган. Фақат бу ҳолат айрим сифатлар доирасидагина учрайди. Масалан: Бундан бўлим мудрининг ҳам қувончи *чексиз*, яхши шогирд етиштираётганидан *хурсанд* (“Ташвишли дунё”. 153 б.) Ёши ўттизларни қоралаб бораётибди-ю, ҳали ўн тўрт кунлик ойдаи *тиниқ*, жуда ёш кўринади (“Ташвишли дунё” 46 б.)

Мисоллардан кўринадики, *яхши шогирд етиштираётганидан хурсанд, ўн тўрт кунлик ойдаи тиниқ* каби МСБларининг ҳоким бўлаги вазифасида келган *хурсанд, тиниқ* каби сифатлар сўз кенгайтирувчилари саналган тўлдирувчи ва аниқловчилар ёрдамида МСБлари ҳосил қилган. Бундай СБлар деривациясида оператор вазифасини сифатдошнинг **-ётган** замон ва **-дай, -дек** ўхшатиш шакллари бажаради. Бунда ҳоким бўлак вазифасидаги сифат маъно жиҳатдан яна ҳам конкретлашади: Унинг овози худди *сайроқи қушининг овозидай ёқимли, сувдай тиниқ, бахмалдай майин* эди (“Кўҳна дунё” 456.) каби. Ҳатто ҳоким сўз вазифасида келган ясама сифатлар ҳам **-дай** аффикси ёрдамида ўзидан олдинги сифатдош билан ёйилиб МСБларни шакллантиради. Улар конверсия (лот. *conversio*-айлантириш, ўзгартириш) усули орқали бирикиб, мураккаб тушунчаларни ифодалайди. (1.10.) Масалан: Шукуров гўё дам олишга эмас, *расмий ши билан келган одамдай*, қошларини чимириб, кулимсираб келарди (“Диёнат” 246б.) Аслида МСБ ҳосиласи *расмий ши билан келган одам* отли бирикма бўлиб, улар бир бутун ҳолда **-дай** аффикси ёрдамида ўхшатиш маъносини англатади.

Бундай ўхшатиш маъносини ифодалайдиган МСБлар нутқимизда жуда кўп учрайдиган ҳолат бўлиб, улар асосан **-дай, -дек** деривантлари ёрдамида юзага келади. Масалан: Қоратош ёнбағрига тирмашаётган *айиқдек*, машина карнай-сурнай нағмаси устига телба *йиртқичдек* елиб борарди. (Ў. Х.)

Хуллас, ҳоким бўлаги сифат билан ифодаланган отли МСБларининг тобе қисми атрибутив муносабатни ифодалаш жиҳатидан отли мураккаб сўз бирикмаларидан фарқ қилади. Баъзан ҳоким сўзи олмош билан ифодаланган МСБлари деривациясида ҳам шундай ҳолатларни кўрамай. Нутқда бу тарздаги СБларнинг тобе қисми ёйилиб, ҳоким бўлакни аниқлаб ва тўлдириб келиши кўп учрайди. Масалан: Майли, омон бўлсин, *танграмдан тилаганим шу* (Ў.Х). Тўртинчи курсдаги *ўзига ишонган йигитларнинг ҳаммаси* Фаридага кўнгил кўйган эди (Ў.Х). Кўпинча бундай МСБлари таркибидаги тобе сўзлар қаратқич келишиги **-нинг** оператори ёрдамида ҳоким сўз ҳисобланган олмошни кенгайтириб келади: Дарвоқе эшитганман, халойиқни исёнга бошлаган *мард йигитларнинг бири* у бўлган эди. (Ў.Х) -Қоғозда *бўш кўринган жойларнинг ҳаммаси* банд, - деди (П. Қодиров). Баъзан эса чиқиш келиши **-дан** оператори ёрдамида ҳам ҳоким бўлаги олмош билан ифодаланган МСБлар ҳосил бўлади: -Бор, тақсир, - деди, кабинетга сиғмай *ташқаридаги бўлмада қолганлардан бири* (М.И).

Аммо, олмошлар ёрдамида юзага келган бундай отли МСБлар нутқда жуда кам учрайди ва улар сифатдош ёки келишиқ кўшимчалари ёрдамида бирикиб ёйиқ бўлак вазифасида келади.

Бизнинг таҳлил объектимиз ҳисобланган отли сўз бирикмаларининг деярли кўпчилиги тобе қисмининг кенгайиши натижасида пайдо бўлган. Юқорида таъкидлаганимиздек, фақат тобе ёки ҳар иккала бўлакнинг кенгайиши натижасида ҳам МСБлари шаклланади. Масалан: Оналиқ меҳридан туғилган бу теран донолик ҳам, кампирнинг кўз ёшлари билан суғорилган бу тиниқ сўзлар олдида ўз хатларининг бутун мудҳиш шафқатсизлигини ҳам домла мана энди тушунди (“Диёнат” 85 б.) Келтирилган гап таркибида *оналик меҳридан туғилган бу теран донолик, кампирнинг кўз ёшлари билан суғорилган бу тиниқ сўзлар* каби СБлар икки томонлама ёйилишдан ҳосил бўлган. Мазкур гапда иккала қисмининг оператори вазифасини **-ган** сифатдош шакли бажаради. Ҳатто, икки ва ундан ортиқ сифатдош ўрамлар уюшган ҳолда битта ҳоким бўлак вазифасидаги отли бирикмага тобеланиши ҳам мумкин: Ёши

қирқларга бориб қолган бўлса ҳам, ўзини яхши сақлаган, пардоз-андозни жойига қўйган кўхликкина бир аёл обком секретаридан тап тортмай, анча дадил гапирди (“Диёнат” 154б). Мазкур гап таркибида *ўзини яхши сақлаган, пардоз-андозни жойига қўйган, кўхликкина бир аёл* каби сифатдош ўрамлар уюшиқ шаклида ҳоким бўлак вазифасидаги отни ҳар томонлама аниқлайди.

Кўпинча МСБлар таркибида ҳоким сўзлар алоҳида-алоҳида қўлланилиб, ўз аниқловчиси вазифасидаги сўзлар билан уюшиқ ҳолда кетма-кет келиши ҳам мумкин: Кўкси орден-медалларга тўлган йигитлар, ғижим рўмолга ўралган хотинларини етаклаб, болаларини опичлаб боғ дарвозасидан кириб келарди (“Уфқ” 515 б.) Келтирилган мисолимизда *йигитлар, хотинлар* каби ҳоким бўлак вазифасидаги отлар алоҳида-алоҳида ўз аниқловчилари билан кенгайибуюшиқ ҳолда мураккаб тушунчаларни ифодалайди.

Айниқса, бундай атрибутив муносабатдаги отли МСБлардан ёзувчилар персонажнинг хулқ-атвори, киёфаси ва характери ва турли хусусиятларини очиб бериш мақсадида кенг фойдаланади. Масалан: *Бошига оқ салла ўраган, калтагина учбурчак соқоли узунроқ қорамтир юзига ярашиб тушган новча бир аллома* эди (О.Ёқубов). *Сочи калта қирқилган, таги платформали яшил туфли кийган бу жувон Алибекнинг хотини Насиба* эди (П.Қодиров). МСБларнинг тобе қисми таркибида уюшиб келаётган аниқловчили бирикмаларнинг ҳоким бўлаги от билан ифодаланиб, улар сифатдошнинг **-ган**шакли билан келган оператор ёрдамида бирикади. Баъзан бундай сифатдош ўрамлар орасида аниқловчи вазифадаги сўзлар ёки равишдош шакллар ҳам киритилади. Масалан: *Сийрак сочлари тўзиган, лунжлари ичига ботиб, камтирдаҳан бўлиб қолган Қудратхўжа* уйқули кўзларини қисиб, ишшайиб турибди (“Диёнат” 125 б.) *Юзи офтобдай тиниқ, тимқора сочлари тўпизига тушган, ҳусн-малоҳатда тенгсиз бу жувон* – Ойниса эди (“Диёнат” 126 б.)

Демак, аниқловчили СБларида тобе бўлак ёйиқ ва уюшган ҳолда ҳоким бўлак вазифасидаги отни турли ҳар томонлама аниқлаб тўлдириб келади. Шунинг учун ҳам улар сўз кенгайтирувчилари сифатида гапнинг иккинчи даражалибўлақларини шакл ва маъно томондан мураккаблаштира олади. Келтирилган мисоллар таҳлили шуни кўрсатадики, отли СБларининг деривацияси асосан конверсия ва контаминация усуллари ёрдамида амалга ошади, оператор вазифасини сифатдош, равишдош шакллари, келишиқ кўшимчалари, кўмакчилар ва ўхшатиш-киёслаш шаклини ясовчи аффикслар бажариб келади. Уларнинг бир бутун ҳолда ёйилиш жараёнида ҳоким бўлак вазифасидаги отнинг мавқеи муҳимдир. Чунки ҳоким бўлак вазифасидаги отнинг ўзига хос турли хусусиятларини ҳар томонлама очиб бериш мақсадида бир нечта аниқловчилар иштирок этади. Масалан, *Бўй-баста келишган, мўйлови эндигина сабза ура бошлаган, тол чивикдай нозик бу йигитчада* ўз элининг ҳамма фазилаглари бор эди (“Кўхна дунё” 32 б.) Келтирилган гапда *йигитчага* хос хусусиятлар ҳар томонлама очиб берилган бўлиб, бунда ёзувчи сифатдош ўрамлардан кенг фойдаланган. Натижада отли МСБларини ҳосил қилишда бир нечта предикатив характердаги атрибутив бирикмалар иштирок этади ва улар уюшган. дескриптив тарздамураккаб тушунчаларни ифодалашга хизматқиладилар.

### References

1. Akhanova O.S. Dictionary of linguistic terms - M. 1966. P.129;
2. Khojiev AP Explanatory dictionary of linguistic terms. Tashkent, 1985. 45-p.2.
3. Baskakov M.A. Types of attributive word combinations in the Karakalpok language. VY. 1956.
4. Bazarbayev N. Complex phrases in the Turkic languages (based on the Kazakh and Uzbek languages) AKD. T. 1970.
5. Vinogradov VV Issues of the study of phrases. Issues of Linguistics 1954.
6. Kurilovich E. Derivation lexical and syntactic // Essays on linguistics. M. 1962.
7. Murzin L.N. Syntactic derivation. Perm. 1984.
8. Madaminov A. Theoretical problems of word syntax. Tashkent, Editor, 2013.
9. Mustafa Chetin. Syntactic derivation of a phrase in modern Uzbek and Turkish languages. AKD. T. 2002.
10. Saidov Yu.M. Collocations in the Azerbaijani language. ADD. Baku. 1965.
11. Turniyazov N.K. Introduction to the derivation syntax of the Uzbek language. - Samarkand. 1990
12. Yakhshiboev G. Syntactic derivation of simple speech in modern Uzbek. AKD. - T. 2004.